UDK: 634.574. 632.9:

ХАНДОН ПИСТАДА ЎРГИМЧАККАНАГА ҚАРШИ КУРАШ

Д.Равшанов мустақил изланувчи, О.Хужаев қ.х.ф.н., Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Abstract: *If more than 15% spider mite is found on 1 leaf on average, it is recommended to carry out chemical control against it. The following preparations are recommended: Omayt, 57% em.k., (1.5 l/ha.), Argit, 57% em.k., (1.5 l/ha.), Uzmayt, 30% w.p., (2.0-3.0 kg/ha.).*

Keywords: *pistachio pest, bioecological characteristics, control, ecological, biological and chemical measures.*

Кириш. Бугунги кунда дунёда атроф-муҳитнинг глобал иқлим ўзгариши қишлоқ хўжалиги экинлари агроценозида салбий таъсир кўрсатиб, уларга турли хил зарарли организмларнинг таъсир кўламини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет мамлакатлардан турли хил турдаги товарлар, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиши, ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни экспорт қилиниши натижасида бир томондан сезиларли даражада иқтисодий ўсиш кузатилса, иккинчи томондан ҳудудларда олдин учрамаган янги ташқи карантин организмларнинг кириб келиши оқибатида катта майдонларга тарқалиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга катта хўжалик ва иқтисодий зарар келтиришига сабаб бўлмоқда.

Жумладан уруғли мева дарахтларининг зараркунандаларидан кўп учрайдиганлари 18 турини аниқлаган. Улардан: нок канаси (*E.pyri*), мева ўргимчакканаси (*T.viennensis*), кана (*T.crataegi*), нок шира бити (*P.vasilievi*) ва унга авлоддош бўлган (*P.pyricola*) тури Ўрта Осиённинг ҳамма жойида кенг тарқалган [4, 5, 6, 7, 12.].

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалиги энтомологиясида кенг фойдаланиладиган усул ва услублар ёрдамида бажарилди Б.П.Адашкевич, С.Н.Алимухамедов, М.Т.Арслонов, Н.В.Бабчук, Г.Я.Бей-Биенко, К.К.Фасулати, А.Ш.Хамраев. Зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш К.К.Фасулати, В.Ф.Палий, Б.В.Добровольский, агротехник тадбирлар В.Н.Щеголев, И.Ф.Павлов, В.И.Танский, агротоксикология тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, К.А.Гар, кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги Ш.Т.Хўжаев, W.S.Abbot, усулларидан фойдаланилди. Тажрибалардан олинган натижалар Б.А.Доспехов, дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди. Иқтисодий самарадорлик К.А.Гар, Н.Р.Гончаров, А.Ф.Ченкин услублари асосида ҳисобланди.

Республикамизнинг тупроқ иқлим шароитида хандон пистани сўрувчи зараркунандалардан: оддий ўргимчаккана ва боғ ўргимчакканаси ҳамда туркистон ўргимчакканаси зарар келтириши аниқланди. Бу зараркунандалар ичида қулай шароитларда катта зарар етказадиганлари яъни доминат турлари аниқланди.

Шунинг учун ҳам асосий тадқиқотлар, зараркунандаларнинг доминант турлари: оддий ўргимчаккана, боғ ўргимчакканаси ва туркистон ўргимчакканаси канасининг тарқалиши, ривожланиши, зарар келтириш даражаси ҳамда уларга қарши фаол курашда УҲҚТ асосида ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Республикамиз иқлим шароитида оддий ўргимчаккана, боғ ўргимчакканаси ва туркистон ўргимчакканаси канасининг қишлоқ хўжалик экинларининг асосий зараркунандаларидан бири ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз иқлим шароити ушбу зараркунандаларнинг кўпайиши учун жуда қулайдир. Ш.Т.Хўжаев, Р.Султанов ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда Ўзбекистон шароитида ўргимчакканаларнинг бир неча тури ҳаёт кечиради. Яъни бу ўргимчакканаларнинг зарари июн ойида ўргимчаккана билан зарарланган ўсимликлар 20-40 %, баъзан 50 % гача ҳосилини йўқотади. Асосан ўргимчакканага қарши кимёвий усул ёрдамида курашибгина унинг зараридан ҳосилни сақлаб қолиш мумкин. Тадқиқотнинг бу қисмида ўргимчакканага қарши ўз вақтида тўғри кураш самарали курашиш тизимини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Дастлабки тажриба 2024-йилда июнда Жиззах вилояти Янгиобод туманида жойлашган “Хужамушкент давлат урмон хужалиги”, Ғаллаорол туманида жойлашган “Пистачилик илмий тажриба стансияси”, Самарқанд вилояти Қўшрабод туманида жойлашган “Фозилмон ихтисослаштирилган Давлат ўрмон хўжалиги” хандон писта далаларида ўтказилди. Бу тажрибанинг мақсади ўргимчакканага қарши курашда тавсия қилинган ва янги тақдим этилган инсектицид-акарицидларнинг объектга нисбатан шу йиллардаги биологик самарасини аниқлашга қаратилган эди. Тажрибада 3 та препарат турли сарф-меъёрларда, назоратга нисбатан 7 та вариантда синалди. Тажриба ўтказишдан олдин бир хил зарарланган дала танланди. Ҳар бир вариант 3 такрорланишда амалга оширилди. Тадқиқот кичик дала шароитида амалга оширилиб, ҳар бир такрорланишда 0,1 гектар бўлаклар олинди. Ишловлар маторли қўл пуркагичида гектарига 1000 литр ишчи суюқлик сарфлаш ҳисобида ўтказилди. Ишлов беришда ҳарорат, ҳавонинг нисбий намлиги ва шамол тезлигини эътиборга олган ҳолда куннинг эрталабки ва кечки пайтида бажарилди. Ҳисоб-китоблар ишловдан олдин ва ишловдан кейин 21-кунгача амалга оширилди. Назорат вариантида ўргимчаккана сони 21-кунгача камаймади. Жадвалдан кўриниб турганидек, тажрибадаги барча препаратлар ўргимчакканага қарши юқори самара берди (1-жадвал).

1-жадвал.

Хандон пистада акарицидларнинг ўргимчакканага қарши биологик самарадорлиги

(Дала тажрибаси, Самарқанд вил. Кўшрабод т. “Фозилмон ихтисослаштирилган Давлат ўрмон хўжалиги”. 2024-йил)

№	Вариантлар	Дорини сарф-лаш меъёри, кг, л/га	1 та зарарланган баргда оддий ўргимчакканaнинг ўртача сони, дона						Самарадорлик, % ҳисобида, кунлар бўйича				
			Дори сепил-гунча	Дори сепилгандан кейин кунлар бўйича:									
				3	7	10	14	21	3	7	10	14	21
1.	Омайт, 570EW	1,5	43,4	3,2	1,9	1,4	1,9	4,4	94,1	96,8	98,6	98,4	96,4
2.	Аргит, 57% эм.к.	1,5	38,9	7,1	5,3	5,5	6,1	11,9	85,3	89,9	94,0	94,2	89,4
3.	Узмайт, 30% н.кук.	2,0	40,0	6,5	5,8	5,0	7,9	12,8	87,0	89,2	94,7	92,7	88,9
4.	Узмайт, 30% н.кук.	3,0	35,7	3,3	2,6	1,9	2,4	5,9	92,6	94,6	97,7	97,5	94,2
5.	Неорон, 50% э.к. (андоза)	1,2	39,1	3,1	2,4	2,5	5,1	9,7	93,6	95,5	97,3	95,2	91,4
6.	Назорат (ишловсиз)	-	38,0	47,4	51,3	90,1	103,6	109,4	-	-	-	-	-
		ЭКФ$_{05}$=							1,1	1,7	1,5	1,6	1,7

2023-йил кичик дала шароитида ўтказган тажрибаларда Омайт, 57 %

эм.к., (1,5 л/га.), Аргит, 57 % эм.к., (1,5 л/га.), Узмайт, 30% н.кук., (2,0-3,0 кг/га.) меъёрларда препаратлари қўлланган вариантлар барчаси юқори кутилган самара берган эди. Ўргимчакканага қарши ўтказилган кимёвий тадқиқотлардан олинган натижаларга асосланиб, қуйидагиларни хулоса қилиб ишлаб чиқаришга тавсия қилишимиз мумкин.

Хандон писта ўсимлигида ўртача 1 та баргда 15-20 тадан кўп оддий ўргимчаккана аниқланса, унга қарши кимёвий кураш ўтказиш тавсия қилинади, бунда қуйидаги препаратлар хандон писта ўсимлигини ўргимчакканадан 25-30 кун мобайнида етарли самарадорликда ҳимоя қилади: Омайт, 57 % эм.к., (1,5 л/га.), Аргит, 57 % эм.к., (1,5 л/га.), Узмайт, 30% н.кук., (2,0-3,0 кг/га.).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимуҳамедов С.Н., Адашкевич Б.П., Одилов З., Хўжаев Ш.Т. Ғўзни биологик усулда ҳимоя қилиш. – Тошкент, 1990. 171 б.

2. Алимуҳамедов С.Н., Успенский Ф.М., Кузнецов Н.Н., Сизова И.Ю. Вредные и полезные клещи Средней Азии. – Ташкент, 1982. 132 б.

3. Обиджанов Д. Опасный вредитель в садах Узбекистана //Ж. Защита и карантин растений. – Москва, 2009. – №3. – С.52.

4. Dilshod Obidzhanov & Mansur Muminov. Combat against roll moth in apple orchards. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, Published Date: September 30, 2022 |Crossref doi: https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume04Issue09-02

5. D.Obidjanov Bakiyeva M. The Prospect of Protecting Tomatoes From Rust. // Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences ISSN NO: 2771-8840 ISSN NO: 2771-8840 https://zienjournals.com. Date of Publication: 30-09-2023.

6. Д.А.Обиджанов, Б.У.Матниёзов. Insecticide Twingo euro, md s.k. in the fight against leaf rollers and scale insects on the apple tree. //Web of Agriculture: Journal Agriculture and Biological Sciences. Volume 2, Issue 8, August - 2024 ISSN (E): 2938-3781. P. 19-22.

7. Obidjanov D.A., Matniyazov B.U. Insecticide medouz, md in the fight against apple codling moth and aphids on apple trees. The usa journals the american journal of agriculture and biomedical engineering (ISSN – 2689-1018) volume 06 Issue09 11 https://www.theamericanjournals.com/index.php/tajabe published date:-10-09-2024 DOI:-https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume06Issue09-03

8. Хўжаев Ш.Т. Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш қоидалари. – Тошкент, 2018. 143 б.

9. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик актив моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. (қайта ишланган ва тўлдирилган II нашр). – Тошкент, 2004. – Б. 3-16.

10. Abbot W.S. A method of computing the effectiviness of an insecticide //J. Econ. Entomol. – 1925. – V.18. – №3. – P. 265-267.

11. Копанева Л.М. Определитель вредных и полезных насекомых и клещей технических культур. – Л.: Колос, 1981. – С.- 5-269.

12. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркнандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 3-530.